Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 6 (8496). ● 9 январь, 1985 йил ✦ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

ИШНИ пудрат асосида ташкил этиш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришга фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози деҳқонлари ўтган йили 8084 тонна ўрнига 9000 тонна сабзавот, 1400 ўрнига 1515 тонна картошка, 1030 тонна ўрнига, 2350 тонна узум топширдилар. Бу ютуқ барча бригадаларнинг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари ишни КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида ташкил этиб, беш йилликнинг якунловчи йилида ютуқларни янада мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдалар. Ерлар вақтида шудгорлаб қўйилди. Картограмма асосида ўғитланди. Айни кунларда ҳосилдорлик отрядлари маҳаллий ўғит тўплашни қизғин давом эттирмоқдалар. Сабзавоткорлар ҳар гектар ерга кам деганда 25—30 тонна ҳисобидан маҳаллий ўғит жамғармоқдалар. Бу ўринда ёш коммунист Исоқ Одилов бошлиқ 4-бригада азаматларининг иш тажрибаси ибратлидир. Бу бригада ўтган йил кузида 4 гектар ерга сабзи, 3 гектар ерга пиёз, 2 гектар ерга саримсоқ пиёз экиб қўйган. Улар плёнка тагида эртаки сабзавот етиштириш, ҳар гектаридан камида 350—400 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Колхознинг бошқа сабзавотчилик бригадалари ҳам экинлардан мўл ҳосил олиш учун кузги-қишки тадбирларни авж олдириб юборди-лар.

Н. БОБОЖОНОВ,
С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ

Тошкент области алоқачилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Тошкент области алоқа ходимлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўртоқ К. У. Черненконинг иш самарадорлигини ошириш ва ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш тўғрисидаги қўрсатмаларини бажара бориб, 1985 йилда зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

Даромадлар ва маҳсулот ҳажми бўйича план 30 декабрда бажарилади, қўшимча 22,0 минг сўмлик фойда олинади, маҳсулот ҳажми 40 минг сўмлик кўпайтирилади ва 22,0 минг сўмлик тариф даромадлари олинади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини янада механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техникани, илғор иш усулларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш, шунингдек, иқтисодий режимни кучайтириш, моддий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига область бўйича икки кун давомида иқтисод қилинган ресурслар асосида ишлаш таъминланади.

«Союзпечать» бўйича товаробороти планининг 30 декабрда бажарилиши, планни 40,0 минг сўмлик ошириб уддаланиши таъминланади.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллиги шарафига Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчилари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари квартираларида телефон ўрнатиш графигининг бажарилиши таъминланади, Янгибозор алоқа узелида оғир почта ва матбуот нашрларини ортиш ва тушириш участкасини комплекс механизациялаш муддатидан илгари — 1985 йилнинг 9 майигача тугалланади, алоқа бўлимларини очиш ва ташиш участкаларини хизмат кўрсатишнинг моторлашган усулига ўтказиш ярим йиллик планининг бажарилиши таъминланади, йиллик план эса 1985 йилнинг 1 декабригача адо этилади.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

— фойдаланувчилар кучи билан Оҳангарон ва Гулбаҳор район марказларида автоматлаштирилган шаҳарлараро телефон алоқаси аппаратуралари монтаж қилинади.

1985 йилнинг тўртинчи кварталида қишлоқлардаги, шунингдек колхоз ва совхозлардаги телефон станциялари ҳажми минг номерга кенгайтирилади (муқобил план бўйича).

Янгибозор район марказида шаҳарлараро телефон-телеграф алоқаси воситалари 1985 йилнинг иккинчи кварталида, Зафарда учинчи кварталда, Пискентда тўртинчи кварталда кўчирилади.

1985 йилнинг иккинчи кварталида Ғазалкент район марказида телеграф каналлари 24 тагача кўпайтирилади.

1985 йилнинг учинчи кварталида Бўстонлиқ районида радиоузел оператори пульти ўрнатилади.

Областда 1280 нафар алоқа ходимлари тайёрланади ва малакаси оширилади.

3,0 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 107 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

Бўка-Зафар участкасида бир нечта шаҳарлараро телефон канали ташкил этилади, 1985 йилнинг тўртинчи кварталида янги аппаратлар ўрнатилади.

Қишлоқ телефон алоқасида 1985 йилнинг тўртинчи кварталида 60 каналли зичлаш аппаратуралари ўрнатилади. Олмалиқ шаҳрида 1985 йилнинг тўртинчи кварталида учта янги аппаратура ўрнатилади.

Социалистик мажбуриятлар область алоқа корхоналари меҳнат коллективларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

КПСС XXVII съезди ва буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олайлик

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ!

● «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-цехи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан бошлади. Кўпчилик машинасозлар нормани ҳар куни ортиғи билан бажаришяпти. Ушбу суратда смена топшириғини 130 процентга етказиб адо этаётган илғор слесарлардан А. Вайсбек (чапдан), В. Каверин, О. Смирнов, Р. Давлатбеков, А. Йўлдошев, А. Цуцасларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ШАЙ ҚИЛИБ ҚЎЙДИЛАР

МУСОДИН Шоазимов «Пискент» совхозининг ўртоқ Ҳ. Иброҳимов бошлиқ, Йўлдош Абдуллаев эса шу совхознинг ўртоқ Т. Гайдаров бошлиқ бригадасида звено бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Улар моҳир механизатор сифатида донг чиқаришган. Бригадаларда ерни тайёрлаш, чигит экиш, ғўза парвариши даврида актив қатнашиб, ҳамиша пешқадамлар сафида бўлиб келадилар. Энг муҳими улар ўзларига биркитилган техникани асраб-авайлаб, ундан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтган йилги йиғим-терим мавсумига якун ясалгач, механизаторлар йиғилишида ҳар икки ўртоқ сўзга чиқиб, техника ремонтини барвақт ва сифатли тугаллаймиз, деб сўз берган эдилар. Улар ваъдаларининг устидан чиқдилар. Звеноларга қарашли техникалар ремонтдан чиқарилиб, янги мавсумга шай қилиб қўйилди. Шу кунларда улар ремонт ишларини тезлаштиришда ҳамкасбларига ёрдам бермоқдалар.

Қ. ҚОДИРОВА.

УНУМЛИ ҲАФТА

ЎТГАН ХЎЖАЛИК йилнинг меҳнатда яхши натижалар билан якунлаган Бекободдаги «Металлист» заводи коллективи янги йилнинг дастлабки кунларидан ҳам бир маромда ишламоқда. Ишлаб чиқариш топшириқлари кун сайин уддаланяпти.

Ўзаро меҳнат беллашувида иштирок этаётган кўпчилик бригадалар ва ишчи-хизматчилар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қатъий амал қилиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, илғор усулларни қўлланиш улар эришаётган муваффақиятларнинг омиллари бўлаётир. Мусобақа илғорлари ҳақида гап кетганда аввало моҳир ташкилотчи ва мураббий Аъзам Омонтурдиев ва у раҳбарлик қилаётган тайёрловчилар ва йиғувчилар бригадаси номи биринчи бўлиб тилга олинади. Бригада аъзолари ўзларининг унумли меҳнатлари билан корхонада катта обрў орттиришган. Улар янги йилнинг дастлабки кунларида ҳам қўнгилдагидек ишламоқдалар. Ҳар сменада топшириқни 115 процентга етказиб адо этишяпти. Зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб ишлаётган ўровчи Турсуной Андақулова, силлиқловчи Раҳим Ҳамидов, Пётр Новиковлар смена топшириқларини ошириб бажаришмоқда. Турсуной Андақулова ўн биринчи беш йилликни туғатиш арафасида турибди. Р. Ҳамидов, П. Новиковлар ҳам меҳнат графигидан 6—8 ой илгарилаб ишламоқдалар.

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Тошкент «Малика» трикотаж бирлашмасининг коллективи учун беш йиллик якунловчи йилининг биринчи иш сменаси янги моделлар — жун спорт костюмларини ўзлаштириш билан бошланди. Болаларга аталган бу кийим республика енгил саноат министрлиги фирма савдо бирлашмасида синовдан яхши ўтиб, харидорларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Бу йил бирлашма коллективи ишлаб чиқарилаётган моллар хилини янгилашга доир катта программани белгилаб олди. Январь ойининг ўзидагина ўн хил янгилик ўзлаштирилади.

Бултур «Малика» трикотажчилари плондан ташқари 2,5 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилдилар. Бу дастлабки социалистик мажбуриятлардан анча кўпдир. Бирлашма коллективи меҳнатдаги юксак маромни сақлаб, КПСС XXVII съездини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олиш ниятидадир.

МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

МАВЖУД ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли, арзон ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан мелиорация ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига боғлиқдир. Пойтахт области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг бу соҳадаги кўрсатмалари асосида ўтган давр мобайнида бир мунча ишларни бажардилар.

Тўғри, қишнинг ҳаддан ташқари совуқ келиши аҳволни мураккаблаштирди. Жойларда ер шўрини ювиш, запас суғориш сингари тадбирлар бир мунча кечикиб кетди. Сув иншоотларини ремонт қилиш, каналларга бетон ётқизиш, ер текислаш, янги ерларни ўзлаштириш ва сув хўжалиги билан боғлиқ бўлган бошқа ишларнинг суръати анча пасайди. Лекин мелиораторлар кўп йиллик тажрибаларидан фойдаланиб, рўй берган шароитни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик билан меҳнат қилмоқдалар, белгиланган вазифаларни бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Бу жиҳатдан Янгийўл, Пискент, Оҳангарон, Калинин районлари суғориш бошқармаларининг ходимлари, колхоз ва совхозларнинг механизаторлари эришаётган ютуқлар диққатга сазовордир.

Масалан, Пискент райони хўжаликларида ҳозирга қадар 390 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. Шу жумладан, ўтган йил декабрь ойининг кейинги ўн кунлигида 70 минг кубометр ёки ўн кунлик учун белгиланган топшириқдагига нисбатан 121 процент иш амалга оширилди. Бўстонлиқ районида ҳам бу соҳадаги ишлар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Лекин Бўка, Чиноз, Оржоникидзе районларининг хўжаликлари графикдан анча орқада қолмоқдалар.

Айни кунларда хўжаликлараро суғориш тармоқлари ва коллектор-зовурларни янги мавсумга созлаш ишлари бир мунча дуруст йўлга қўйилганлигини қайд этиш лозим. Паркент ва Оҳангарон районларида бу ишлар ниҳоясига етай деб қолди. Ғалаба районида ҳам суръат кундан-кунга кучайтирилмоқда.

Лекин ҳамма ерда ҳам ариқ-зовурларни тозалаш юксак савияда ташкил этилган, деб айта олмаймиз. Оққўрғон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ районларида кейинги ўн кунликда экскаваторларнинг иш унумдорлиги анча пасайиб кетди. Шунинг учун ҳам бу районларда ўн кунлик топшириқлар бажарилмай қолди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Сув хўжалиги ташкилотлари 1985 йилда экин экиш учун 1690 гектар янги ерни ўзлаштириб беришлари керак. Ҳозирги кунга қадар хўжаликлар ихтиёрига 1140 гектар топширилди. Бу майдонларнинг кўпгина қисми Паркент ва Оҳангарон районлари территориясида жойлашгандир. Область ва район қурилиш бўлинмалари бу ерларни ўзлаштириш учун жадал иш олиб бормоқдалар.

Лекин «Ташмелиоводстрой» ва «Ташкентводстрой»нинг Бўка, Бўстонлиқ ва Чиноз районларидаги бўлинмалари иши талаб даражасида ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам бу районларда янги ерларни ўзлаштириш суст бормоқда. Бунинг оқибати яхши бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам район партия комитетлари, район ижроия комитетлари мелиораторларга нисбатан талабчанликни ошириш билан бир вақтда улар билан ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган тадбирларни кўришлари керак. Ана шундагина мўлжалдаги янги ерлар ўзлаштирилади ва экин майдонларига айлантирилади.

Ер текис бўлса — ҳосил тўкис бўлади. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларда капитал текислаш ишлари анча юксак суръатларда олиб борилмоқда. Қиш мавсумида 1097 гектар ерни текислаш мўлжалланган бўлса, ҳозирга қадар хўжаликлар ана шу ҳисобдан 959 гектар майдонни қабул қилиб олдилар. «Ташкентводстрой» трести механизаторлари Бекобод районида, «Промгражданстрой» трести механизаторлари эса Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларида ўз зиммаларига юклатилган ишларни муддатидан илгари бажардилар.

Бу йил областда 2270 гектар ернинг мелиорация ҳолати яхшиланиши керак. Ҳозир бу соҳада қизғин иш олиб борилмоқда. Шу кунга қадар 1959 гектар ерда мелиорация ишлари тугалланди. Шундан 1463 гектарида олиб борилган ишлар «Ташмелиоводстрой» бўлинмалари томонидан бажарилди. Бу иш айниқса Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод, Калинин ва Янгийўл районларида яхши ташкил этилди.

Сув иншоотларининг ремонти область ва район суғориш тармоқлари доимий назоратида бўлиши керак. Ҳозирга қадар областда топшириқда кўзда тутилган 380 ўрнига 192 та сув иншооти созлаб қўйилди. Лекин бу ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 53 та камдир. Тошкент области, айниқса, қолоқликка йўл қўймоқда.

Қишнинг тугашига ҳали анчагина бор. Ҳар бир район, колхоз ва совхозда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мелиорация соҳасида қилинаётган ишлар савиясини янада яхшилаш, белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш, аниқланган камчиликларни тезда тугатиш учун зарур чораларни кўриш керак.

АНГРЕНДАГИ СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ

РЕЗИНОТЕХНИКА ЗАВОДИ

Ангрендаги СССР 60 йиллиги номли резинотехника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўрт йиллик планини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари 1984 йилнинг 20 декабрида бажарди. 1984 йил муваффақиятли якунланди, ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 процент ортди, маҳсулот таннархи 0,5 процент камайди.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш, КПСС XXVII съезди ва совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб ҳамда ўртоқ К. У. Черненконинг иш самарадорлигини ошириш ва ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, 1985 йилда зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Асосий кўрсаткичлар бўйича йиллик ишлаб чиқариш плани 1985 йилнинг 30 декабрида бажарилади, плондагига қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади ва реализация қилинади, шу жумладан 300 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади, халқ истеъмоли товарларининг тўрт хил янги турини тайёрлаш ўзлаштирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини янада автоматлаштириш ва механизациялаш, цехлар, участкаларни реконструкция қилиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан бир процент ошириладди. маҳсулот таннархи эса қўшимча камида 0,5 процент камайтирилади.

Иқтисодий режимни кучайтириш ва хомашё ҳамда материалларни тежаб-тергаб сарфлаш асосида 36 минг квадрат метр турли хил газлама, барча марка ва кўринишдаги 40 тонна каучук, барча маркадаги 14 тонна техуглерод, 840 минг киловатт-соат электр энергияси, 1350 гигакалорий иссиқлик энергияси, 90 тонна шартли ёқилғи тежалади ва иқтисод қилинган моддий ва энергетика ресурслари асосида икки кун ишланади.

Плондагидан ташқари камида 50 минг сўмлик фойда олинади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий қилиш ҳисобига 450 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилади.

Тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш, темир йўл вагонларининг туриб қолишини қисқартириш, автотранспортнинг бўш қатнашини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳаражатлари 25 процент камайтирилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формалари кенг жорий қилинади, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси билан ишчиларнинг 65 процентигача қамраб олинади, бунинг 47,8 процента меҳнат иштироки коэффициентини қўлланувчи бригадаларга бирлашади.

Меҳнат шароитларини қулайлаштириш, намунали иш жойлари яратиш ҳисобига маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилиш, маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш ва биринчи кўрсатишдаёқ топшириш учун мусобақани такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Коллективни социал ривожлантириш программасини амалга ошириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилади, 3300 квадрат метр саҳнли уйлар фойдаланишга топширилади, 280 ўринли болалар боғчаясли қурилиши тугалланади.

«Нефтехимик» ёрдамчи хўжалигидан завод ходимларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун йирик шохли қорамоллар сони 250 бошга, чўчқалар 600 бошга, асаларилар уяси 120 тага етказилади, 90 тонна гўшт, 80 тонна сут, 3,5 тонна асал етиштирилади ва реализация қилинади.

Техника ўқувининг барча турларига 900 дан ортиқ ишчи жалб этилади. Оталиқдаги мактабларда ўқувчиларга касб ўргатишни яхшилаш бўйича ишлар савияси оширилади.

Бўка районидаги Мичурин номли колхоз ва Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозига ем-хашак тайёрлаш, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда оталиқ ёрдами кўрсатиш давом эттирилади.

72-мактаб-интернатга муттасил ёрдам кўрсатилади.

Заводнинг ҳар бир меҳнаткаши корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда камида уч кун ишлайди.

Биз барча Ангрен шаҳар меҳнаткашларини бажарилаётган ишлар сифатини янада яхшилаш, хомашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш учун бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашишга, йилнинг камида икки куни давомида тежалган хомашё ва материаллар асосида ишлаш вазифасини ўз олдига қўйишга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олишга даъват этамиз.

Социалистик мажбуриятлар меҳнат коллективлари йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ДАСТЛАБКИ ҲИССА

Тошкент «Қизил тонг» трикотажчилик бирлашмасининг ходимлари беш йиллликнинг якунловчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш ишига дастлабки ҳисса қўшдилар. Корхона коллективи йил бошидан буён плондан ташқари ўн беш минг сўмлик пўстни, аёллар ва болалар пальтоси, плашчлар тикиб чиқарди. Смена мастерларидан Рўза Семенеева, Алла Клешчук, Галина Анопа бошлиқ бригададалар йилнинг дастлабки иш сменаларида ўрнак кўрсатдилар.

Бирлашма трикотажчилари КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, беш йиллликнинг якунловчи йилида плондан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).

САҲНА МУЗИКАСИ—ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Композиторлари союзи правлениесининг Тошкентда бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг СССР Ёзувчилар союзининг юбилей пленумидаги нутқи асосида саҳна музикасининг ҳолати ва уни янада ривожлантириш ҳамда унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тадбирлари кўриб чиқилди. Пленум ишида Ўзбекистон барча ижодий ташкилотларининг намояндалари қатнашдилар.

Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Б. Бобоевнинг докладида, ижодий мунозара қатнашчиларининг нутқларида СССР ёзувчилари юбилей пленумининг қарорлари Ўзбекистон музика маданиятининг арбоблари учун ҳаракат қўлланмаси эканлиги таъкидланди. Кейинги йилларда бир қатор мароқли опера, балет спектакллари юзага келганлигига қарамай, саҳна музика ижодкорлиги соҳасида ҳали кўп камчиликлар борлиги қайд этилди. Республика композиторлари далалар, заводлар, илмий муассасалар меҳнатчиларидан катта қарздор бўлиб турибдилар. Уларнинг образлари ҳали саҳна музикаси жанрларидаги асарларда батафсил ифодаланганги йўқ. Республиканинг барча ижодий союзлари ходимлари каби композиторлар ҳам партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига амал қилиб, ўзларининг бутун фаолияти савиясини янада баланд кўтаришлари керак.

Юксак талабларга муносиб музика асарлари яратишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашди.

(ЎзТАГ).

ҲАМОН ТИНИМ БИЛМАЙДИ

ПАРТИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

1920 йилнинг қаҳратон қиши эди. Тошкентда Туркистон комсомолининг I ўлка съезди ўз ишини давом эттирарди. Съезд қатнашчилари шу куннинг энг муҳим вазифаларини муҳокама қилишарди. Делегатлар орасида ўрта бўйли, қорачадан келган озғингина йигитча ҳам бор эди. Ёшлигига қарамай босиқ ва жиддий эди у. Бу йигитни Қўқондаги «Коммуна» мактаб-интернати комсомоллари съездга делегат қилиб юборишган. Ўшанда Машраб Назаров шу мактаб-интернат комсомол ячейкасининг секретари эди.

Ёш Машрабнинг революцион фаолияти Қўқондаги пахта заводида ишлаб юрган чоғларидаёқ бошланган эди. У Қўқон революцион комитети билан ишчилар ўртасида алоқачилик вазифасини бажарарди. 1919 йили у биринчилар қатори комсомол сафига кирди. Энди Машрабга жиддийроқ ва мураккаброқ вазифалар ишониб топшириладиган бўлди. Ёш инқилобчи аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб борди. Активлиги учун ҳамдўстлари уни Туркистон комсомолининг I ўлка съездига делегат қилиб юборишган эди.

Машраб Назаров съезддан бир олам таассуротлар билан қайтди. Съезд қабул қилган қарорларни амалга оширишда яна ҳам актив иштирок этди. Уч йил давомида Қўқондаги эски шаҳар район комсомол комитетида Абдулла Набиев билан бирга ишлашди. Абдулланинг мардлиги ва ҳушёрлиги, келажакка комил ишонч билан боқиши уни ром этарди. Босмачиларга қарши курашга ҳам Машраб дўсти Абдулла билан бирга борди. 45 кишилик комсомол-ёшлар отрядига бошчилик қилди. Кейинчалик «Қўшчи» союзини ташкил этишда қатнашди.

1925 йилда Машраб Назаров яна Тошкентга келди. Бу гал уни Фарғона область партия комитети В. И. Ленин номли Ўрта Осиё коммунистик университетига ўқишга йўллаган эди. Бу ерда у партия сафига қабул қилинди. Ўқишдан бўш вақтларида партия топшириқларини бажарадиган бўлди. Шу тариқа партиявий ишга берилиб кетди. Кўп ўтмай Октябрь район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири қилиб тайинланди. Энди у саводсизликка қарши курашга, маданий революцияни амалга оширишга бошчилик қила бошлади. Кейинроқ партия топшириғи билан Янгийўл районида коллективлаштириш ишларига бошчилик қилди.

Ўша пайтларда четроқда аҳвол ҳамон оғир эди. Душман пайт пойлаб активлар жонига қасд қилар, янги тузумни заифлаштиришга уринарди. Шундай воқеаларнинг бирини Машраб Назаров ҳам ўз бошидан кечирган эди.

Шу куни район ижроия комитети мажлиси алламаҳалгача давом этди. Йиғилганлар ярим кечада тарқалишди. Идорада район партия комитетининг секретари Абубакиров, район ижроия комитетининг раиси Жонтемиров, марказдан келган вакил Назаровлар қолишган эди. Улар ўзаро эртанги кун вазифаларини муҳокама қилишарди. Шу пайт ғалағовур бўлиб қолди. Кимдир деразага тош отди. Идора атрофини унсирлар ўраб олаётганлиги сезилди. Улар янги тузилган коллектив хўжаликни тарқатишни талаб қилишарди.

— Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб, шуни айтадиларда,— деди Жонтемиров.— Булар дин пешволари. Тушунмаган оммани бошлаб келишибди. Коллектив хўжаликда ҳамма нарса ўртада бўлади, деб одамларни лақиллатишган.

— Ҳа, алданган одамларга қарши қурол кўтариб бўлмайди, — деди Абубакиров. — Аёб ўзимизда. Тушунтириш ишларини яхши олиб бормаганмиз. Янги тузум афзалликларини халқ онгига тўла етказиш керак эди.

Ўртага жимлик чўкди. Ташқарида эса шовқин-сурон авжига минарди. Ниёзбоши, Занги ота қишлоқларидан келган дин ҳомийлари активларни обрўсизлантиришга, халқни ўзларига ишонтиришга уринарди. Вазият жиддий. Бирор чора кўрилмаса қон ҳам тўкилиши мумкин. Шунда М. Назаров ўртадаги жимликни бузди.

— Оломонга колхозни тарқатиш ва бу ердан кетишга ёлғондакам бўлса ҳам ваъда берамиз,— деди у.— Ҳозир бошқа илож йўқ. Омма тинчигач кучни тўплаб тушунтириш ишларини бошлаймиз. Меҳнаткашларни алдаётган диндорларни қўлга оламиз.

Бу таклиф Абубакиров билан Жонтемировга ҳам маъқул тушди. Шундан кейин идорани ўраб олган оломон бирин-кетин тарқала бошлади. Тонг ёришиши билан Тошкентдан қўшимча кучлар етиб келди. Янги кучлардан ташкил топган группа қишлоқма-қишлоқ юриб колхоз тузумининг афзалликларини оммага тушунтирди. Шундан кейин коллективлаштириш ишлари авж олиб кетди.

М. Назаров босмачиларни тугатишда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, маданий революцияни амалга оширишда фаол иштирок этди. Кейинчалик Тошкент тўқимачилик комбинати, Катта Фарғона канали, Тошкент ва Каттақўрғон сув омборлари қурилишида қатнашди. Кўп йиллар республика Халқ комиссарлари Совети қошидаги санъат бошқармасини бошқарди, айни пайтда Тошкент медицина институтида ўқий бошлади. Унинг хизматлари муносиб тақдирланган. Республика Олий Советига депутат бўлди, ҳукуматимизнинг бир қатор нишонлари билан тақдирланди.

Машраб Назаров 80 баҳорни қаршилаган бўлса-да, ҳамон тиним нима эканлигини билмайди. Партия ва меҳнат ветеранлари Советининг аъзоси сифатида олий ўқув юртларида, мактабларда, меҳнат коллективларида бўлиб ёшлар билан учрашади. Айниқса, байрамлар арафасида унинг ишлари жуда ҳам кўпайиб кетади. Отахонни турли хил учрашувларга таклиф этишади. Бундай учрашувларда у ўзи ва дўстлари босиб ўтган жанговар йўл ҳақида тўлқинланиб гапириб беради. Ёшларни оталар ишига содиқ бўлишга, революцион анъаналарни давом эттиришга даъват этади.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

● Пойтахтдаги 5—сайлов участкасига карашли агитпункт яхши безатилган. Бу ерга келувчилар совет сайлов системасининг афзаллиги ҳақида ўзларини қизиқтирувчи саволларга тўла жавоб олишлари мумкин. Сайлов комиссияси аъзолари ҳамда агитпункт ходимлари аниқ план асосида иш олиб бормоқдалар. Сайловчилар клубида ва маҳаллада ўтказиладиган лекция ҳамда суҳбатларга ҳозирда тайёргарлик кўрилади.

Суратларда: агитпунктда шу кунларда иш қизғин.

О. ШЕМАКОВ фотолари.

ҲАМ РЕМОНТ, ҲАМ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Область мукофоти лауреатлари

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида ерларни мелиорациялашни яхшилаш, суғориладиган майдонлардан мўл ҳосил олишга эришиш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Пленум материаллари билан чуқур танишиб чиққан «Госкомсельхозтехника»нинг Ғалаба район бирлашмаси коллективи шу асосда янги тадбирлар белгилаб олишди.

— КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида «Мамлакатнинг озиқ-овқат фондини муттасил ошириш мақсадида узоқ муддатли мелиорация программаси, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди, — дейди бирлашма ремонтчилар бригадаси бошлиғи Шерхон Мелдеев. — Буни амалга ошириш ҳар бир қишлоқ хўжалиги ходими ва коллективининг юксак вазифасидир. Хусусан, биз ҳам бунга муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Бирлашма ишчи-хизматчилари устахоналарга келтирилаётган қишлоқ хўжалиги машина ва механизмларини ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб, хўжаликларга етказиб беришаётир. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига техник хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Фермалардаги машина-механизмларга техник хизмат кўрсатувчи Борис Когай бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда айниқса, яхши меҳнат қилишяпти. Улар ферма ва комплекслардаги техника жиҳозларининг бетўхтов ишлаши учун барча ички резервларни ишга солмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик техникаларига намунали хизмат кўрсатиш ташаббуси билан меҳнат қилаётган бирлашма коллективи топшириқларни ошириб бажаришмоқда. Улар сўнгги йилларда машина ва механизмларни ремонт қилиш билан биргаликда уларга зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беришни ҳам йўлга қўйишди.

О. СУПИХОНОВ.



ИХЛОС

СОДИҚ ўрта мактабни битиргач, ўзи орзу қилиб юрган ҳайдовчилик касбини эгаллашга аҳд қилди. Етуклик аттестатини олиб, Бекобод шаҳридаги ҳунар-техника билим юртининг шофёрлик курсига ҳужжат топшириди. Бу ерда у техника сирларини пухта эгаллаб, ҳайдовчиликка бўлган ихлосини назарий-амалий машғулотлар билан мустаҳкамлади.

1966 йил 26 апрель тонготари. Бу кун кўпчиликнинг ёдида бир умр сақланиб қолади. Мамлакатимиз аҳолиси кучли зилзиладан вайрон бўлган Тошкентга ёрдам қўлини чўзди. Турли жойлардан пойтахтни қайтадан тиклаш учун ишчилар кела бошлади. Улар сафида ёш ҳайдовчи Содиқ Турсуматов ҳам бор эди. Бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшишни ўзининг эзгу мақсади қилиб олган ёш транспортчи 1970 йилгача «Главташкентстрой»нинг 5-автобазасида самарали ишлади. Ўзига топширилган «ЗИЛ-130» маркали юк машинасини моҳирлик билан бошқариб, янги турар-жой массивларини, осмонўпар замонавий биноларни бунёд этаётган қурувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаб турди. Бу ердаги қайноқ меҳнат унинг иродасини янада чиниқтирди.

Тошкент қайта тиклангач, Содиқ яна ўзи туғилиб-ўсган жонажон шаҳри — Солдатскоега қайтиб келди. Йўл ремонт-қурилиш участкасига ишга кирди. Бу ерда у автогрейдерчилик касбини ҳам ўрганди.

— Йиллар ҳеч сездирмай ўтиб кетаверар экан, — дейди Содиқ Турсуматов, — Шу касбда ишлаётганимга ҳам 14 йилдан ошибди. Худди кечагидек ёдимда. Автогрейдерчилик курсини битириб келгач, шу соҳада анча тажриба орттирган моҳир ҳайдовчи Рашид ака Воҳидова шогирд тушдим. У бизни ҳар бир ишни пухта бажаришга ўргатди. Топшириқларни уддалашимизни зимдан кузатиб, йўл қўйган хатоларимизни тузатиб турди. Ундаги қаттиққўллик, ўзига нисбатан ҳам талабчанлик фазилатлари кейинчалик бизга кўчди. Ҳар бир ишни вақтида бажаришга одатланиб қолдик. Энди ўзим ҳам мураббийман. Ўнларнинг ҳаммасидан зиёд шогирд тайёрладим. Уларнинг ҳаммаси меҳнатсевар, ишга чанқоқ ёшлар. Айниқса, улар орасидаги Ғариб Чўтбоевни шу кунларда ҳамма ҳурмат қилади. Чунки у ўзининг фидокорона меҳнати билан кўпчилик ишончини қозонган.

Ўз касбини пухта биладиган, ишчан ва ҳалол кишилар ҳар бир коллективда ҳурмат-эътибор топади. Содиқ Турсуматовга шу боисдан ҳам қамкасблари катта ишонч билдириб, бригадирликка сайлашди. У коллективга етакчилик қила бошлагач зиммасига жуда катта масъулият юкланганлигини ҳис этди. Чунки аввалари фақат ўз иши ҳақида қайғурган бўлса, энди кўпчиликни ортидан эргаштириши, уларнинг қалбига йўл топа билиши лозим эди. Ёш бригадир қобилиятли ташкилотчи эканини кўрсатди. Тез орада у етакчилик қилаётган коллектив илғорлар сафидан ўрин олди. Бригадирнинг кўксига эса «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори» нишони қадалди.

Содиқ Турсуматов етакчилик қилаётган коллектив 8 ишчидан иборат. Уларнинг икки нафари экскаваторчи. Коллектив аъзолари топшириқларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга одатланишган. Ўтган йили оригарда нулсозлари 10 километрдан ортиқ йўлни капитал, 7 километрдан зиёд йўлни эса жорий ремонтдан чиқардилар.

Халқимиз орасида йўл қадрини йўлчидан сўра, деган доно нақл бор. Бунга С. Турсуматов ҳам қаттиқ амал қилади, — дейди Ғалаба районидаги йўл ремонт-қурилиш участкасининг бошлиғи Ғулом Абдураҳмонович Жабборов. — Участкамиз территориясидаги катта-кичик йўлларни равон бўлишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Коллективимиз меҳнат аҳли катта ишонч билдириб, илғор бригадирни посёлка Советига депутат қилиб сайлаган. С. Турсуматов ўз сайловчиларидан тушаётган ҳар бир наказни ижобий ҳал этишга эришмоқда. Кейинги пайтларда унинг жонкуярлиги туфайли мактаб ва болалар боғчалари, колхоз ва совхозларнинг пахта қуритиш майдонлари асфальтланди. Бундан ташқари у халқ контроли группаси раиси сифатида участкамизда бажарилаётган ишлар сифатини яхшилаш, техника хавфсизлиги ва ремонтни назорат қилишга катта ҳисса қўшяпти.

Содиқ Турсуматовнинг фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланди — автотранспорт ва тошйўллар ходимларининг область мукофоти лауреати деган шарафли унвонга мушарраф бўлди. Ўз меҳнатига берилган бу юксак мукофотдан руҳланган ёш ишчи шу кунларда ҳам ўзгача ғайратшижоат билан меҳнат қиляпти.

Р. ҒАНИЕВ.

✦ **Ўзбекистон қийин эриган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг ветеран ишчиси Аркадий Михайлович Кокорин янги йилнинг дастлабки кунларидан смена нормасини ошириб бажармоқда. У 2-цех ремонтчи-слесарлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилаяпти. Ушбу суратда тажрибали слесарь А. Кокоринни иш устида кўриб турибсиз.**

В. Портнов фотоси.

ҒАЛАБА ЙИЛНОМАЧИЛАРИ

Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган «Ғалаба йилномачилари» китоби Улуғ Ватан уруши фронтларининг алангали йўлларини босиб ўтган совет ҳарбий мухбирларининг жасоратига бағишланган.

Фронтчи —журналистларнинг эсдаликлари киритилган тўплам Улуғ Ватан уруши давридаги матбуотимиз фашизм билан шафқатсиз жанг да тарихий ғалабаларга эришишда Совет Армиясига ёрдам берганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Ҳалок бўлган журналист — ўртоқлар тўғрисидаги эсдаликлар, очерклар, фото ҳужжатлар ўша қаҳрамонона йилларнинг улуғвор руҳини китобхон қалбига етказади. Ана шу эсдаликлар, очерклар, фото ҳужжатлар фронт кунларини, совет матбуоти ходимлари катта отрядининг немисфашист босқинчилари устидан қозонилган улуғ ғалаба ишига илҳом билан, фидокорона хизмат қилганлигини ёрқин кўрсатади.

(ТАСС).

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

РЎЙХАТГА ОЛИБ БЎЛИШДИ

САЙЛОВ УЧАСТКАСИГА қарашли территория акс эттирилган схема-харита агитпунктга келувчилар эътиборини ўзига тортади. Сайловчилар бу схема-харитага қараб ўзлари яшаётган территориянинг географик тузилиши билан танишадилар. Шунингдек агитпунктда халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича район кўрсаткичлари акс эттирилган диаграммалар мавжуд. Маҳаллий аҳоли сайловдан сайловгача юз берган ўзгаришларни билиб олади.

С. Раҳимов районидаги 23-мактаб биносида жойлашган 45-сайлов участкаси ходимлари сайловолди оммавий-сиёсий ишларни қизғин олиб боришмоқда. Агитпунктнинг 26 агитатори маҳаллаларда тез-тез бўлишиб, қизиқарли суҳбатлар уюштиришяпти. Ҳозиргача Қурилиш, Эркин, Ленинчи маҳаллаларида сайловчилар билан совет сайлов системаси, партия ва ҳукуматнинг ички ҳамда ташқи сиёсати мавзуларида суҳбатлар ўтказилди. Лекция ва суҳбатларнинг мазмунли ўтишида 23-мактаб ўқитувчиларидан Насиба Муҳамаджонова, Шоира Қодирова, Дилором Турсунхўжаева каби агитаторларнинг хизмати катта бўлаяпти. Улар ўзларига бириктирилган участкалардаги сайловчиларни рўйхатга олиб бўлишди.

И. ФАТТОҲОВ.

ИШЧАНЛИГИ УЧУН

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

БУНДАН йигирма йил аввал Келес темир йўл станциясида ёшгина аёл билет сотувчи бўлиб иш бошлаган эди. Тез кунда уни станция ходимлари Алевтина Георгиевна, дея ҳурмат билан тилга оладиган бўлдилар. Ҳар доим одамлар билан гавжум бўладиган, шовқин-сурон аримайдиган бу станция А. Г. Антонова учун жуда қадрлидир. Бир пайтлар машҳур тепловоз машинисти бўлган В. Кривожихин ёш Алевтинада темир йўл соҳасида ишлашга ҳавас уйғотди. Тезюрар пассажир поездларини бехато бошқариб, Ленин орденига сазовор бўлган тажрибали машинист Тошкент тепловоз депоси ишчилари учун маҳорат мактаби яратди, десак муболаға бўлмайди.

Алевтина Георгиевна кейинчалик станциядаги муҳим участкалардан бирига тажрибали ишчи зарур эканлигини эшитиб қолиб, ҳеч иккиланмай, ана шу янги ишга ўтиш истагини билдирди, уни қабул қилишди, у тез орада оператор-ахборотчи касбини пухта эгаллаб олди.

Янги вазифани хотиржам иш участкаларидан деб бўлмайди. Ахборот узатувчи операторнинг кассирдан фарқи шуки, бир кунда юзлаб одамлар, турли ташкилотлар билан телефон орқали алоқа боғлайди. Юкларни ўз вақтида тушириб олмайдиган ташкилотларни тинч қўймайди, ўта қуйди-пишди, серғайрат. Вақтни беҳуда ўтказмайди. Буюртма юклар станцияга етиб келганлиги ҳақида мижозларга зудлик билан хабар қилади, станциянинг доимий мижозларини ёддан билади, янглишмайди.

Станция билан ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқа кейинги йилларда янада мустаҳкамланди. Натижада вагонларнинг юки билан узоқ туриб қолиш ҳоллари барҳам топди. Бунда аввало А. Антонованинг катта ҳиссаси бор, албатта.

Алевтина Георгиевна шундай масъулиятли вазифани уддалаш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Халқ депутатлари Келес шаҳар Советининг депутати сифатида сайловчилар наказларини ўз вақтида бажаради. Сайловчилар ўз депутатлари билан унинг уйида ҳам, иш жойида ҳам, хуллас, бўш вақти топган пайтларида учрашиб, мурожаат қилаверадилар. А. Антонова бунга кўникиб қолган. Уларни очиқ кўнгил билан қабул қилади ва ишларини бажаришга кўмаклашади.

В. ПЛЕТИНСКИЙ.

ҚОНЛИ ЯКШАНБА САБОҒИ

РОССИЯДА 1905—1907 ЙИЛЛАРДАГИ РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Совет халқи Россияда 1905—1907 йиллардаги революция — империализм даврида биринчи халқ революцияси бошланганлигининг 80 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу давр ишчилар ва деҳқонларнинг, аҳоли бошқа табақаларининг ғоят кенг оммасини сиёсий ҳаётга уйғотганлиги билан характерланади. Революция маглубиятга учраганига қарамай у самодержавие, помешчиклар тузуми негизларини қақшатди, В. И. Ленин таъбири билан айтганда улуғ Октябрнинг «Бош репетицияси» бўлди.

Ўз характери жиҳатидан буржуа демократик революцияси бўлган биринчи рус революцияси асрлар мобайнида сақланиб келаётган қолоқ экономиканинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эски крепостнойлик тузумини тугатишни асл мақсад қилиб қўйган эди. Аҳолининг кўпчилик қисми ҳам шу мақсад билан яшар эди.

Асримиз бошида сиёсий ва иқтисодий ҳаётда содир бўлган зиддиятлар, рус-япон урушида чоризмнинг маглубияти, иқтисодий ҳаётдаги қолоқлик революцион ҳаракатни кучайтириб юборди. Ишчиларнинг стачка ва сиёсий кураши кун сайин авж ола бошлади. Чоризм ишчиларнинг бу сиёсий курашидан қўрқиб, уларни чалғитиш йўлларини қидирди. 1904 йилда иғвогар поп Гапон чор охранкасининг топшириғи билан Петербург ишчилари орасида зубатовчилик ташкилотига ўхшаш ташкилот тузди. Бу ташкилот ишчилар ўртасида чор монархиясини кўкларга кўтариб мақташ билан банд бўлди.

1905 йилнинг январида Путилов заводининг маъмурияти тўрт ишчини ишдан бўшатади. Завод ишчилари ўз биродарларини ҳимоя қилиб маъмурият олдига бир қатор иқтисодий ва сиёсий талаблар қўядилар. Лекин корхона маъмурияти бу талабларни бажаришдан бош тортади. Шундан сўнг бутун корхона ишчилари иш ташлайдилар. Иш ташлашлар Петроградаги бошқа корхоналарга ҳам ёйилади.

7 январда стачка сиёсий тус олади. Шунда поп Гапон иғвогарлик мақсадида подшога арзнома топшириш учун Қишки саройга боришни таклиф этади. Лекин большевиклар поп Гапоннинг кирдикорларини фош этадилар, подшо ишчиларни ўққа тутиб, қонга ботириши мумкин деб огоҳлантирадилар. Ўшанда ишчиларнинг бир қисми бу гапларга ишонишмади. Чунки уларнинг подшога бўлган ишончлари ҳали йўқолмаган эди.

Чоризм кўтарилиб бораётган сиёсий стачкадан қўрқиб, ишчиларга қонли сабоқ беришга ва ўсиб бораётган революцион ҳаракатни бостиришга қарор қилди. Илтимоснома билан Қишки сарой томон келаётган оммани аёвсиз ўққа тутишга фармойиш берди.

1905 йилнинг 9 (22) январь куни қаттиқ совуқ эди. Оч-яланғоч, эксплуататорлар зулмидан азоб чеккан 140 мингдан ортиқ петербурглик ишчилар подшонинг суратлари, бут ва байроқлар кўтариб Қишки сарой томон кела бошладилар. Олдинда иғвогар поп Гапон борарди. Александр боғидаги дарахтлар тепасига кўпгина болалар чиқиб олишган эди. Улар ўтиб бораётган колоналарни қизиқиб кузатишарди.

Шу пайт подшонинг қутурган қуролли аскарлари Қишки саройга етиб келган якшанба» бўлиб кирди. Ўша кундан бошлаб ҳатто қолоқ, онгсиз кишилар ҳам подшога бўлган умид ва ишончларини мутлақо йўқотдилар. Чоризм келтирган кулфатдан қалби ларзага келган мингларча ишчилар «Энди бизнинг подшоҳимиз йўқ» дея қичқириб қўлга қурол ола бошладилар.

Петроградда дастлабки баррикадалар қурила бошланди. Кўчаларда полиция билан қаттиқ тўқнашувлар бўлди. «Йўқолсин чор самодержавиеси!» деган хитоблар тобора баланд янграй бошлади.

Доҳиймиз В. И. Ленин ўша вақтда большевиклар ишчиларнигина эмас, балки дарахт устидаги болаларни ҳам ўққа тута бошладилар. Поп Гапон дарҳол подшо томонига ўтиб олди. Шу куни Петроград кўчаларида мингдан ортиқ киши ўлдирилди, 5 мингдан ортиқ киши ярадор қилинди. Қонхўр подшо қуролсиз тинч аҳолидан қаттиқ ўч олди. Бу мудҳиш кун тарих саҳифасига «Қонли партиясини ва ишчилар синфини чоризмнинг ёвузлигига жавобан революцион кучларини сафарбар қилиш ва қуролли қўзғолонга дарҳол тайёргарликни бошлаб юбориш зарурлигини уқтирди. 9 январь воқеаси бутун мамлакатдаги ишчилар оммасини чоризмга қарши курашга отлантирди. 11 январда бу мудҳиш хабардан Москва, Иваново-Вознесенск тўқимачилари воқиф бўлдилар. РСДРПнинг Тошкент группаси қонли якшанба воқеаси ҳақида махсус варақа чиқариб, халқни чоризмга қарши курашга даъват этди. Маҳаллий ҳукумат бу воқеани матбуотда эълон қилишга йўл қўймади. Шу боисдан ҳам социал демократик ташкилотлар мудҳиш хабарни халққа варақа орқали етказдилар. Тошкентда ва Самарқандда жамоатчиликнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда большевиклар халқни чоризмга қарши курашга чақирдилар.

Қонли якшанба фақат Россия халқини эмас, Европа меҳнаткашларини ҳам қаттиқ газаблантирди. Польша, Финляндия, Франция, Италия ишчилари рус ишчиларига бирдамлик мактубларини йўллайдилар. Европанинг кўпгина шаҳарларида ва саноат районларида норозилик митингларги бўлиб ўтди. Оммининг революцион кайфияти соат сайин ошиб борди. Январь воқеаси Россияда биринчи рус революциясининг бошланиб кетишига катта туртки берди.

КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида» қабул қилган қарорида таъкидланганидек, тарихда биринчи марта ишчилар синфи революциянинг гегемони, барча меҳнаткашлар оммасининг йўлбошчиси сифатида майдонга чиқди.

Озодлик ва демократия учун, эксплуататорларга қарши жангларда Россиядаги биринчи революция чоғида орттирилган тажриба синфий кураш назарияси ва практикасини яна ҳам бойитди, 1917 йил февралида манфур чоризмни ағдариб ташлашда, Октябрда эса буржуазия ҳукмронлигини тугатишда халққа катта ёрдам берди. Тўпланган тажриба ҳозирда ҳам социал ва миллий озодлик, социализм ва тинчлик йўлида курашаётган халқлар учун катта аҳамият касб этмоқда.

Ў. ЭГАМБЕРДИЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир САФАРОВ—80 ёшда

АДАБИЁТИМИЗ ОҚСОҚОЛИ

ШУ КУНЛАРДА бутун адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Назир Сафаров таваллудининг 80 йиллигини нишонламоқда. Унинг ўнлаб очерклари ва ҳикоялари, «Кўрган-кечирганларим» қиссаси, «Наврўз» ва «Момақалдироқ» каби романлари ҳамда «Тарих тилга кирди», «Уйғониш», «Шарқ тонги» каби драматик асарлари адабиётимиз тарихида ўзига хос ўрин тутиб келмоқда. Аммо адиб учун шон-шараф ва обрў-эътибор келтирган мазкур асарларнинг яратилиши, муаллифнинг санъаткор сифатида эътибор қозониши эса ўз-ўзидан бўлмади.

У аввалига эски мактабларда ўқиган бўлса ҳам, аслида хат-саводни, билим ва истеъдодни, ёзувчилик касбини янги совет замонасида топди. У кўп йиллар давомида икки соҳада ишлади. Бир томондан, мактаб-маориф соҳасида, совет ва партия органларида, раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб, янги социалистик воқеликни ҳимоя этиш ва мустаҳкамлаш учун кураш олиб борган бўлса, иккинчидан, у бадиий ижод билан шуғулланиб келди. Ўтмиш ва янги замон ижодий анъаналарини ўзлаштиришга интилди. Хусусан, унинг адиб бўлиб етишувида ҳаёт берган сабоқлар энг муҳим манбаъ ва мактаб ролини ўтади. Шунинг учун ҳам у кейинчалик «Янги ҳаётга бўлган муҳаббатим, жирканч ўтмиш сарқитларига бўлган кучли ғазабим мени ёзишга ундади», деб ёзди.

1924 йилда ташкил этилган «Ёш куч» номли кўп нусхали деворий газета бўлғуси адибнинг илк мақолалари, очеркларига қанот бағишлади. Айниқса, Жиззахда ташкил этилган «Санои нафис» ҳаваскорлик тўгараги Назир аканинг драматург бўлиб етишувига йўл очди.

Унинг «Янги қишлоқ» каби бир пардали пьесалари шу тўгаракда қўйилиб омма онгини уйғотишга, тарғибот ишларини олиб боришга хизмат қилди. У маҳаллий матбуотларда ҳам иштирок этди. Хусусан, 1926 йилда Жиззахдаги инқилобий ўзгаришлар ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетасига ёзган мақоласининг босилиб чиқиши унда ижодга бўлган қизиқишни янада орттириб юборди. Адибнинг 1928 йилда: «Метан паразитлари» номли мақоласининг «Зарафшон» ғазетасининг бир неча сонида босилиши ҳамда 1931 йилда эса «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган «Қора кунлар қўланкаси» мақоласининг ва «Унутилмас кунлар» номли очерклар тўпламининг пайдо бўлиши муаллиф ижодининг қутлуғ адабий даргоҳга кираётганлигидан гувоҳлик берди.

Агар биринчи мақолалар туркумида Метондаги янги воқелик ғалабаларига тиштирноғи билан қарши турган бой ва амалдорлар, шариат пешволари аёвсиз танқид қилинса, «Унутилмас кунлар», «Қора кунлар қўланкаси»да Жиззах қўзғолонининг ўн беш йиллиги муносабати билан у ҳақдаги дастлабки ибратомуз хулосалар баён этилди. Хусусан, қўзғолоннинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти умумлаштирилди.

Адибнинг «Кўрган-кечирганларим» номли автобиографик қиссасидан «Наврўз» ва «Момақалдироқ» романларигача босиб ўтган ижодий йўли ибратомуз бўлиб, муаллиф изланишлари ва ижодий эволюциясини тушунишга йўл очади. Қиссада тасвирланган 1905—1916 йил воқеалари, хусусан, Жиззах қўзғолони Октябрь инқилоби учун бир тарихий тайёргарлик бўлганини кўрсатса, «Наврўз» ва «Момақалдироқ» романларида ана шу инқилобнинг амалга оширилиши ва ғалабаси умумлаштириб берилди. Ёзувчи ўз ҳалқининг Октябрь инқилоби томон боришидаги узоқ, машаққатли, оғир кураш ва яратиш йўлини, тарихий ривожланиш босқичларини бадиий гавдалантириб, жонлантириб берди. Адиб айни чоғда инқилобнинг ғалаба қилишига ўз халқининг қардош халқлар, биринчи галда рус пролетарлари, коммунистлари билан бир сафда туриб қўшган улуғ ҳиссасини умумлаштира билди.

Бундан ташқари автор «Кўрган-кечирганларим» орқали ўзбек-совет адабиётида автобиографик жанрнинг шаклланишига ҳисса қўшган бўлса, «Наврўз» ва «Момақалдироқ» романлари билан мазкур жанрнинг хотира турини, роман-хроника кўринишининг ривожланишига ўз улушини қўшди. Энг муҳими, халқ — тарих ижодкори, деган марксистик ғоянинг яна бир бор тўғрилигини бадиий далиллашга эришди. Халқнинг тарихдаги буюк ролини ўз халқининг тарихий босқичлари, силжишлари ва кураш ҳаракатлари мисолида умумлаштирди. Ана шундай хусусият унинг «Тарих тилга кирди», «Уйғониш» ва «Шарқ тонги» каби драматик трилогиясида ҳам ўзгача намоён бўлди.

Агар «Уйғониш» драмасида 1916 йилги Жиззах қўзғолони фонида ўз халқининг миллий озодлик учун олиб борган кураши йўлини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган бўлса, «Шарқ тонги»да ўлкада Октябрь инқилобининг амалга оширилиши ва ғалаба даврини драматик шакл ва услубда кўрсатиб бера олди. «Тарих тилга кирди» (З. Саид билан ҳамкорликда ёзилган) номли пьесасида ана шундай узоқ ва машаққатли кураш ва қон тўкишлар ҳисобига амалга оширилган Октябрь инқилоби ғалабаларини ҳар қандай ёт унсурлар, синфий душманлардан ҳимоя этишни тасвирлади.

Тарихий-ижтимоий ҳаётда янги ва эски кучлар ўртасидаги муросасиз кураш ва тўқнашувни кўрсатиш орқали ёзувчи ҳаётда қарор топаётган янги воқеликни, янги воқелик билан бирга туғилган янги инсонни улуғлади. «Осиё устида бўрон» номли киносценарий автори сифатида ҳам ана шу ғояни илгари сурди, ўз халқининг кураш тарихини тобора чуқурроқ тадқиқ этишга интилди.

Коммунист ёзувчи Назир Сафаров юзлар, минглар қатори она-Ватан озодлиги учун курашга отланди. Бир қўлда қурол, бир қўлда қалам билан фронтда бўлди. Ўз она-юрти қатори Румния, Болгария, Венгрия, Югославия, Австрия тупроғини ҳам гитлеризм зулмидан озод этишда иштирок этди. Ҳарбий хизматлари учун у ўнлаб жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Жангчи-ёзувчи сифатида «Совет жангчиси» ҳарбий газетасида ҳамда республикамиз газета-журналларида қатор публицистик мақолалар, очерк ва ҳикоялари билан қатнашиб, ўзбек ҳарбий-номаси ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Адиб яратган «Душманга қирон келтирган йигит», «Ўқ ўтмас ботир», «Сўнгги нафасгача», «Водиллик қаҳрамон», «Жангчи шоир», «Севги», «Тилсимчилар», «Қаҳрамоннинг туғилиши», «Комиссар Қорабоев», «Львов ҳақида ҳикоя», «Мен ўлмайман!», «Мардлар» каби хотира-очерклари, «Инсон изи» номли тўплами ҳамда яқинда эълон қилинган «Лукаш ботир» номли икки парда ўн бир кўринишли воқеий драмаси ўзбек жангномасидан муносиб ўрин эгаллади.

Мазкур мавзудаги асарларнинг энг муҳим қиммати шундаки, унда автор социалистик тузумнинг барқарорлиги, совет кишиларининг афсонавий қаҳрамонликлари, интернационал бирлиги ва дўстлиги ҳамда партия ва халқ бирлигини бош мақсад даражасига кўтара олди.

Адибнинг сўнгги йилларда яратган «Ҳадича Ахророва», «Олияхон Султонова», «Лўлилар», «Юлдуз» каби очерклари ҳамда «Катта карвон йўлда», «Орзу ушалди», «Кўнгилдаги гап» каби тўпламлари, «Олтиной», «Аҳмадали ўз бахтини қандай топди» сингари ҳикоялари, «Саодатнинг қиссаси», «Узоқни кўзлаган қиз» каби қиссалари ҳамда «Кимга тўй, кимга аза» каби драмасида замондошларимиз образларини яратди. Агар унинг «Кимга тўй, кимга аза» драмасида виждон ва бурч, масъулият, коммунистик ахлоқнинг қарор топиши ҳақида гап кетса, «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида Октябрь инқилоби туфайли порлоқ тақдирини топган ўзбек аёлларининг коммунистик қурилиш жабҳасидаги улкан роли ва ўрни ҳақида гап кетади.

Маълумки, ҳар бир ижодкорнинг адабиётдаги ўрни аввало унинг замонага, келажакка қай даражада хизмат эта олиши билан белгиланади. Шу жиҳатдан қараганда, Назир Сафаров яратган барча жанр ва турдаги асосий ва етакчи асарлар ҳамиша замонамиз учун, коммунистик келажак учун, партия ва халқ мақсадлари учун хизмат этиб келди ва бундан буён ҳам хизмат этиши шубҳасиздир.

С. МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Н. БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

КИЧИК ФЕРМАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

«Олмалиқ сут заводининг директори И. Д. ИБРОҲИМОВга.

СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Сут саноати» павильони шуни маълум қиладики, СССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг тавсиясига кўра СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Сут саноати» павильони асосий экспозицияларида Олмалиқ сут заводи ёрдамчи хўжалигининг ютуқлари намойиш этиладиган бўлди. Шу муносабат билан павильонга ёрдамчи хўжалигингиз тараққиёти билан боғлиқ бўлган барча маълумотларни тўплаб юборсангиз.

Салом билан павильон директори В. В. ХОЛОДОВ».

ЗАВОД директори ёрдамчи хўжалик билан қизиққан кишига аввало ана шу телеграммани тутқазади-да, кейин:

— Қани, юринг-чи, балки кўргазмага юборишга арзигулик хўжалик эмасдир,— дея агроцех томон етаклайди. Заводнинг ёнгинасидаги қўйчилик ва паррандачилик фермалари бир қарашдаёқ киши ҳавасини келтиради. Чўпон, товуқбоқарларнинг тиними йўқ. Ана шуларни кўрсатар экан, И. Иброҳимов хўжалик тарихини ҳикоя қила бошлайди.

СССР Озиқ-овқат программаси қабул қилинганига ярим йил ҳам бўлмаган эди. Шаҳарда бирин-кетин кўпгина саноат корхоналарининг чорва ёки парранда хўжалиги пайдо бўла бошлади. Лекин социалистик мусобақа ғолиблари деганда ҳар икки гапнинг бирида тилга олинадиган сут заводининг ёрдамчи хўжалиги йўқ. «Эрта-индин танқидга учрашимиз аниқ. Шундай қилишса эътироз билдиришга ўрин ҳам қолмайди, вақтида вазиятга тўғри баҳо бериб, амалий ишга ўтиш керак» — директор шундай хулосага келган кунининг эртасигаёқ маслис чақиртирди.

Маслиснинг қарори кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини акс эттириши керак эди. Акс ҳолда шанбаликлар ҳам, ҳашар ҳам кутилган савияда ўтмайди, мўлжалдаги натижани бермайди. Демак, агроцех ўн йилда ҳам кенгаймайди. Шунинг учун хўжаликни ташкил этиш ёки этмаслик масаласини директор ҳамманинг муҳокамасига ташлади. Айримлар бу ишнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлишини исботлар, кўпчилик эса бу фикрнинг аксини айтарди.

Директор бу гапларни эшитар экан, ҳақиқатан ҳам масаланинг ана шу нозик томонларини ўйлаб кўрмаганлигини эслади. Масалани ўзича ҳал қилмай кўпчилик муҳокамасига ташлаганидан ичида севинди. Навбатдаги ишчилар сўз олишар экан, ундан олдинги нотиқ кўрсатган муаммога ўзича ечим топа бошлади. Маслис сўнгида эса ҳамманинг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда бир фикрга келишилди.

— Тўғри, сутга муҳтожлигимиз йўқ, лекин тухумга-чи, гўштга-чи,— деди И. Иброҳимов залдагиларга мурожаат қилиб.— Назаримда сменадан сўнг дарвоза ёнида янги тухум, гўшт сотиб турса ҳаммамиз жон деб харид қиламиз. Шундай экан, келинг, сигир эмас, қўй ва товуқ боқишни ўрганамиз.

Шу кундан бошлаб ёрдамчи хўжалик ташкил этишга киришилди.

Ниҳоят сут ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдами билан 100 бош қўй ва 200 та товуқ сотиб олинди.

Завод агроцехи ҳавас қилгудек хўжаликка айланди. Энди уни ўз ҳолига ташлаб, ким бўш бўлса ўша иш юритаверишига қўникиб бўлмасди. Ҳар борада хўжалик ишига бош-қош бўладиган, қишлоқ хўжалигидан хабардор кишини бу участкага боғлаб қўйиш зарурати туғилди. Завод ишчилари қозонхона бошлиғи Николай Сероглазов номзодини айтишди. Николай Николаевич Россия ўлкасида олти йил колхоз раиси бўлиб ишлаган. Пенсияга чиққач, Олмалиқка — қизиникига кўчиб келиб, заводда ишлаётганди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ УМУМХАЛҚ ИШИ

— Николай Николаевич, хўжаликка мудирлик қилсангиз, дегандим,— деди директор.

— Таклиф қилмаганингизда барибир ўзим йўлини топмоқчи эдим.— Сероглазов ҳазиллашиб гапирди-ю, биринчи бўлиб ўзи кулиб юборди.

1983 йил хўжалик «тўла қувват билан» ишлаган биринчи йил бўлди, дейиш мумкин. Йил охирига бориб товуқлар мингтага етди. Ҳар бир ишчи ҳисобига 251 донадан жами 51 минг дона тухум сотилди. Қишга бориб 50 тоннага яқин ем-хашак жамғарилди. Шанбаликлар ва ёрдамчи хўжаликка ёрдам тариқасида ўтказилган ҳашарларда тўпланган озуқа қишловга етиши аниқ эди. Йил охирига бориб қилинган ҳисоб-китоблар агроцех рентабелли соҳага айланиб, 1388 сўм фойда бергани маълум бўлди.

1983 йил тугаб, 1984 йилнинг февраль ойи бошланганди. Олмалиқ сут заводининг доврўғи СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасигача етиб боргани заводдаги ларни бошини осмонга етказди. Яна бир ой ўтгач эса 1983—1984 йилги чорва ва парранда қишловини муваффақиятли ўтказгани учун завод республика Гўшт ва сут саноати министрлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг 600 сўм пул мукофотига лойиқ деб топилди.

Лекин бу ютуқлар ҳам заводдагиларни қаноатлантирмасди. Улар ғалабалардан эсанкирамай ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кўпроқ ўйлардилар. Чорва туёғини кўпайтирмай туриб, ишчиларни меҳнатига яраша рағбатлантирамиз, уларни ўз маҳсулотимиз билан хурсанд қиламиз, деб ончагина қўйлар сўйиб юборилди. Энди эса гўшт етиштириш учун мутлақо резерв қолмаган эди. Гарчанд 1984 йил бошига келиб қўйлар яна 100 тага етказилган бўлсада, лекин бу хурсанд бўладиган факт эмасди. Чорва туёғини камида 250 тага етказиш ва айни пайтда ишчиларни вақти-вақтида гўшт билан таъминлашнинг йўлини топиш керак. Лекин қандай қилиб?

Кунларнинг бирида шаҳар умумий овқатланиш бирлашмаси ёрдамчи хўжалигидан вакил келиб қолди. Сут заводининг саноат чиқиндиларини чорва учун, айниқса, қўйлар учун озуқа сифатида бериш мумкин эмасми! Шу боисдан ҳам ёрдам сўраб келишибди. Сут заводи маъмурияти эса шунчаки қўл учида ёрдам беришни эп билмай ҳар йили 600 тоннага яқин саноат чиқиндисини етказиб бериш мажбуриятини қабул қилди. Лекин бирлашмадагилар ўз навбатида ҳар кварталда камида бир тонна гўштни сут заводи ишчилари учун реализация қилишни зиммаларига олишлари таклиф этилди.

Ҳозирнинг ўзида хўжаликда 1200 та товуқ парвариш қилиняпти. Агарда 1983 йилда 51 минг дона тухум сотилган бўлса, 1984 йилда реализация қилингани 62 минг донадан ошиб кетди. Хўжалик мудири Н. Сероглазов пенсияга кетиш олдидан Сирожиддин Жамоловга кўп маслаҳатлар берди. Кейин эса уни ўз ўрнига мудирликка тавсия этди. Хўжаликнинг ҳозирги ривожига Сероглазовнинг қанча меҳнати сингган бўлса, Сирожиддин ҳам бўш келмаяпти. Еш бўлса-да, лекин хўжаликнинг ҳақиқий жонкуяри эканлигини намойиш этмоқда. 1984 йилнинг ўзида насл олиш ҳисобида қўйлар 84 тага кўпайди. Кейин эса хўжаликдан олинган фойда ҳисобига яна қўйлар сотиб олинди. Ҳозирга келиб чорва 250 тага яқинлашиб қолди. Қишловга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди. 45 тонна дағал хашак, 5 тонна арпа, 5 тонна омухта ем, 6 тонна маккажўхори дони жамғарилди.

—Қўйлар сонини янада кўпайтиришни мўлжаллаб турибмиз, — дейди завод директори И. Дадажонов. — Бунинг учун ортиқча маблағнинг ўзи йўқ. Чунки ҳамма ҳисоб-китоблар Тошкентдаги бирлашмамиз орқали амалга оширилади. Заводимизнинг эса ўз ҳисобсчети ҳам йўқ. Демак, фақат даромадгагина суяниш мумкин. Доим агроцехнинг ўз жамғармаси бўлиб турмаса кичик бир оқсаш туфайли ҳам бутунлай ўтириб қолиш мумкин. Шу сабабли маҳсулотлар таннархидан бироз юқорироқ сотилаяпти. Лекин бу вақтинчалик. Ахир оёққа турганимизга бор-йўғи икки йил бўлди. Шундай кунлар ҳам келадики, етиштирилган маҳсулотимизни таннархидан ҳам арзонроққа ўз эгаларига — ишчиларга тарқата бошлаймиз.

М. МИРАЛИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЛОЛ ВА АМАЛИЙ МУЗОКАРАЛАР УЧУН

Совет Иттифоқи тинчликка муттасил интилаётганлигини тасдиқламоқда, стратегик вазиятнинг баттар беқарорлашувига йўл қўймаслик юзасидан, қуролланиш пойгаси янги давраларининг олдини олиш юзасидан шошилинч ва амалий чоралар кўриш, мустаҳкам тинчликка эришишнинг ўзаро мақбул йўлларини қидириш, мураккаб халқаро муаммоларни ҳал этишга амалий ёндашиш кераклигини қатъий қилиб айтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг Христиан черковлари вакиллари маслаҳат учрашувининг ҳамраислари доктор Э.Поуст (АҚШ) билан доктор К. Тотта (Венгрия) қайтарган жавобини батафсил шарҳлаётган турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари шу фикрни таъкидламоқдалар.

Совет Иттифоқи, деб хабар қилади **Венгрия радиоси**, космосни ҳарбийлаштирмаслик, шунингдек ядро қуролларини ҳам ўз ичига оладиган масалаларнинг бутун комплекси юзасидан АҚШ билан бир битимга келишга катта аҳамият бермоқда. У — ҳалол ва амалий музокаралар тарафдоридир. Американинг муайян доираларнинг инсониятни «самовий урушлар» даврига дучор қилиш йўлидаги уринишлари тинчликка яна бир хавф солишини К. У. Черненко таъкидлаб ўтди. Совет Иттифоқи аввало АҚШ билан СССРнинг ядро қуролларини кўпайтирмаслик кераклигини, ядро қуроли синовлари тўлатўкис ва ёппасига тақиқланиши лозимлигини айтмоқда, у ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик ҳақида ўз ташаббуси билан зиммасига мажбурият олди.

К. У. Черненко уруш бўлиши ёки бўлмаслиги ҳозир ўз дунёқарашидан ва мафкуравий позицияларидан қатъи назар, барча кишиларга боғлиқ бўлиб турганлигини айтди, деб уқтиради **Чехословакия телевидениеси**. Совет Иттифоқи инсониятни ядро уруши хавфидан халос этиш ишида ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келди ва ҳамкорлик қилаверади. Мустаҳкам тинчликка эришишга олиб борадиган ўзаро мақбул йўлларни қидириш, мураккаб халқаро муаммоларни ҳал этишга амалий ёндашиш халқларнинг хавфсизлигини ва инсоннинг энг муҳим ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлаши мумкин.

Совет Иттифоқи — космосни ҳарбийлаштирмаслик, шунингдек, ядро қуролини ўз ичига оладиган масалаларнинг бутун комплекси юзасидан АҚШ билан бир битимга эришиш тарафдоридир, деб таъкидлайди Югославиядаги **ТАНЮГ** ахборот агентлиги. Совет раҳбари ядро қуролларини, аввало АҚШ билан СССРнинг шундай қуролни кўпайтирмаслик мужмилигини кўрсатиб, аввалига шу давлатлар, сўнгра эса ядро потенциалига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам тегишли мажбурият олишлари ядро уруши хавфини камайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлур эди, ядро қуроли запасларини қисқартириш, бора-бора уни бутунлай тугатиш истиқболини очган бўлур эди, деб уқтирди.

К. У. Черненко, деб ёзади **«Нью-Йорк таймс»** газетаси, Совет Иттифоқининг ёндашуви музокаралар ҳалол ва амалий бўлиши лозим, деган фикрга асосланади. Москванинг сўзларига қараганда, музокараларнинг мақсади музокарадошни ва афкор оммани алдашдан иборат бўлмай, балки тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлини қидиришдан иборат бўлиши керак. Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгаси космосга ёйилишининг олдини олиш истаги яна таъкидланди. Америкадаги муайян доираларнинг инсониятни «самовий урушлар» даврига дучор қилиш йўлидаги уринишлари тинчликка яна бир қўшимча таҳлика солишини совет раҳбари алоҳида уқтириб ўтди. Башарти, АҚШнинг милитарист кучлари бу масалада устун бўлиб чиқсалар, жуда ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкин бўлган қайтарилмас вазият вужудга келиши мумкин, деди у.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКОНИНГ Ж. ШУЛЬЦ БИЛАН ЖЕНЕВАДАГИ СУҲБАТЛАРИ

ЖЕНЕВА, 7 январь. (ТАСС). Космик ва ядровий қуролларга тааллуқли масалалар комплекси юзасидан янги музокараларга киришиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида принцип жиҳатдан илгари эришилган аҳдлашувга мувофиқ, бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан суҳбатлари бошланди.

П. МЛАДЕНОВНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● СОФИЯ. 1985 йилда халқ Болгарияси Совет Иттифоқи билан, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда тинчликни сақлаб қолиш, халқаро кескинликни юмшатишдан иборат олижаноб ишга актив ҳисса қўшади, деди БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов «Работническо дело» газетасининг мухбири билан суҳбатда. У республикининг ўтган йилги ташқи сиёсий фаолияти ҳақида гапириб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков билан 1984 йил майида бўлиб ўтган учрашуви аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

П. Младенов Женевадаги Совет — Америка учрашувининг аҳамиятини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ЗИД СИЁСАТГА ҚАРШИ

● ДЕҲЛИ. Покистоннинг Лохур шаҳрида Покистон ҳарбий маъмуриятининг халқ манфаатларига зид сиёсатига қарши ўтказилган намойишда уч мингдан кўпроқ киши қатнашди. Улар ўтган йилнинг охирида ўтказилган қалбаки референдумдан маъмурлар ҳарбийларнинг мамлакатдаги ҳукмронлигини абадийлаштириш мақсадида фойдаланишларига қарши норозилик белгиси сифатида шаҳарнинг энг катта кўчасини бир неча соат мобайнида тўсиб турдилар.

(ТАСС).

СССР ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ОҚ УЙ МАЪМУРИЯТИГА ДАЪВАТ

✦ НЬЮ-ЙОРК, 7 январь. (ТАСС). Америка жамоат арбоблари Оқ уйга мурожаат этиб, Совет Иттифоқи олға сурган тинчликсевар ташаббусларга ижобий жавоб қайтаришга, ядровий ва космик қуролларга тааллуқли масалалар бутун комплекси юзасидан ўзаро мақбул аҳдлашувларга эришиш мақсадида Женевадаги музокараларда конструктив позицияни эгаллашга даъват қилмоқдалар.

СССР бўлажак музокараларда ижобий натижаларга эришишга интилаётганлигини равшан билдирди, деди АҚШ тинчлик кенгаши ижроия комитетининг аъзоси П. Розен хоним. Бироқ, деди у, Рейган маъмурияти самарали мулоқотга тайёр эканлигини ҳали намойиш этгани йўқ.

«Социал масъулият учун курашувчи врачлар» ташкилотининг раҳбарларидан бири, Гарвард университетининг профессори Г. Абрамс СССР билан АҚШ ўртасида конструктив мулоқот ўтказилишини ёқлаб гапирди. Америкалик олим қуролланиш пойгаси контроллик остидан чиқиб кетиши хавфи борлигини таъкидлаб, ядровий қурол синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисида тезроқ битим тузилиши, космос ҳарбийлаштирилишининг олди олиниши керак, деган фикрни билдирди.

Совет Иттифоқи қуролярогларни чеклаш ва қисқартириш проблемаларига доир қарорларни топиш мақсадида тинимсиз қучғайрат сарфламоқда. Шарқ билан Ғарб ўртасида тотувлик учун курашувчи комитетнинг вице-президенти Ф. Нил шундай фикрни билдирди. Бу биринчи навбатда, АҚШ сифат жиҳатидан янги қурол системаларини космосда жойлаштиришга уринаётганлиги масаласига тааллуқлидир. Женевадаги учрашув, деб уқтирди Ф. Нил, Рейган маъмурияти Совет Иттифоқининг таклифларини қўллаб-қувватлашга қанчалик тайёр эканлигини кўрсатади.

✦ ГАВАНА, 7 январь. (ТАСС). АҚШдан фарқли ўлароқ Совет Иттифоқи ғоятда туб чора-тадбирлар кўрилишини таклиф этмоқда, бундай чора-тадбирлар кескинликни юмшатиш ва ишонч муҳитини вужудга келтиришга кўмаклашган бўлур эди, деб таъкидлайди Пренса Латина агентлиги.

Планетадаги кишилар, деб уқтиради агентлик, Женевадаги музокаралар давомида ядро қуроллари устидан контроллик тўғрисида ва космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш ҳақида аҳдлашувга эришилади, деб умид қилмоқдалар. Аммо маъмурият вакилларининг кейинги баёнотлари Оқ уйнинг СССР билан реалистик асосда мулоқот олиб боришга интилиши самимий эканлигини шубҳа остига қўймоқда.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

✦ БАҒДОД. 7 январь. (ТАСС). Ироқ ҳарбий самолётлари бугун Эроннинг нефть қуйиладиган асосий терминали — Харк ороли яқинида «денгиздаги катта нишон»га ҳужум қилдилар, дейилади Ироқ ҳарбий вакилининг ахборотида.

Ўтган кунлар мобайнида Ироқ ҳарбий ҳаво кучлари Майсан секторида 92 марта жанговар самолёт учириб, душман қўшинлари ва техникасига талофот етказдилар. Эрон артиллерияси Басра теварак атрофларини ўққа тутди.

✦ НИКОСИЯ, 7 январь. (ТАСС). Эроннинг ИРНА агентлиги хабар қилишича, ўтган кунлар давомида Эрон—Ироқ фронти чизиғи бўйлаб артиллерия отишмалари бўлди, бу отишмалар Касра—Ширин атрофларида айниқса шиддатли тус олди. Душманнинг бир қанча артиллерия позициялари ва қуватув постлари яксон қилинди.

ПХР. Варшава метроси Совет—Польша дўстлиги ва ҳамкорлигининг рамзига айланди. Поляк метрософзлари Минскда ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу ердаги шарт-шароитлар Варшава метроси қурилаётган жойдагига ўхшаб кетади. Польша пойтахтидаги метронинг катта қисми очиқ усулда барпо этилиятти. Суратда: Варшава метроси қурилиш участкаларидан бирида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.



1945-1985

ҲАЁТ—БУ ВАТАН

Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчилари кўрсатган мардлик, қаҳрамонлик, жасурлик намуналари тарих саҳифаларига мангу ёзилган.

Бизнинг Херсон шаҳридаги, тўқимачилар саройи ҳузурида ташкил этилган «Ватан» қидирув группаси комсомол-ёшларнинг жангоҳларда кўрсатган мардликлари, улар шарафига ўрнатилган ёдгорликлар тарихини ўрганаяптилар.

Клубимиз аъзолари билан яқинда Украинанинг Ровень ва Волин областларида бўлиб, икки совет жангчисининг жасоратидан ҳайратландик.

...Украинани немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш учун бораётган қақшатғич жангларнинг бирида рус йигити Виктор Ершов ва ўзбек ўғлони Неъмат Ҳакимовлар қаҳрамонона ҳалок бўлдилар. Улар Стирь дарёси бўйида жанг қилардилар. Бор-йўғи ўн икки совет жангчисига қарши ўн олти душман танки ва икки батальон ҳужумга ўтди. Пулеметчи Ершов ва Ҳакимовлар қўлларида снаряд билан ўзларини немис танки остига ташладилар. Ҳар икки портлаш ҳаммаёқни ларзага келтирди. Жангчилар ҳалок бўлган жойга улар хотираси учун ёдгорлик ўрнатилди. Оддий солдат В. Ершов ва Н. Ҳакимовларга вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган шарафли ном берилди.

Биз яна бир ўзбек йигити ҳақида қимматли ҳужжатлар тўпладик. Ленинградлик қизил изтопарлар — «Планета» клуби аъзоларининг бизга ёзишларича, Ленин шаҳрини озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек комсомол йигити Қаюм Раҳмоновнинг дўстлари жангчи чўнтагидан қуйидаги хатни топганлар. «Ҳаёт бу озод Ватаннинг ўзгинаси, Ватан эса бу — менинг Совет давлатим, бу — менинг гўзал қишлоғим, бу — менинг оилам. Мен сер қуёш ўлкада туғилиб ўсганман. Менинг юртимда пахта, узум, анвойи гуллар яшнаб борлиққа ўз гўзаллигини намойиш этади. Фашистлар Совет давлатига ҳужум қилганларида менинг Фарғонам ҳам ларзага келди. Биз — комсомоллар Ватан ҳимоясига отландик. Чунки Москвасиз, Ленинградсиз Совет Россиясисиз озод Ўзбекистон ҳам бўлмайди... Мен она Еримни ҳимоя қилишда ҳалок бўлганим учун фахрланаман».

Ҳурматли Тошкент областида истиқомат қилувчи комсомол-ёшлар, қизил изтопарлар! Сиздан илтимос, клубимизга Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат, мардлик кўрсатиб жанг қилган юртдошларингиз ҳақида, улар шарафига ўрнатилган ёдгорликлар ҳақида ёзиб юборинг. Ғалабанинг 40 йиллигига муносиб ҳозирлик кўраётган совет халқи ўз фарзандларининг жасоратлари ҳақида ҳамма нарсани билиши керак.

А. ЦИТРОН,
клуб раҳбари.
Бизнинг адрес: Херсон шаҳри-2, Белинский кўчаси, 24-уй, кв. 15.

САНЬАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

*

✦ Суратларда: «Лазги» ансамблининг қизлари рақс ижро этишмоқда. Феруза Солиҳова (чапда) ўзининг бетакрор ва айни пайтда жозибали рақслари билан мухлислар эътиборини қозонган. Яқинда Феруза санъатда эришган муваффақиятлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлди.

С. Маҳкамов фотолари.

*

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН МАШИНАЛАРИ

СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш» павильонида Иттифоқимизнинг турли саноат корхоналарида тайёрланаётган янги машина ва механизмларнинг намуналари намойиш қилинмоқда. Кўргазма павильонидан ўрин олган 400 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналари фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида яратилган бўлиб, унумдорлиги, пишиқлиги билан ажралиб туради.

Кўргазмада Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг «ПОС-0,5» маркадаги кўп ўринли платформаси ҳам намойиш этилмоқда. У данакли меваларни теришга мослаштирилган бўлиб, қўл меҳнати сарфини 22,9 процентга камайтиради.

М. ЛАРЬКИН.

АЭРОБУС ЛЕНИНГРАДГА УЧДИ

ИЛ-86 қулай ва шинам осмон лайнери Ўзбекистон пойтахтини Ленинград билан боғлайдиган ҳаво йўлида биринчи марта парвоз қилди.

Пассажирлар тушган аэробус 1 январь кечқурун «Тошкент» аэропортининг учиш майдонидан осмонга кўтарилиб, тўрт соат 40 минут ўтганидан кейин Нева соҳилидаги шаҳарга бориб қўнди. Ҳозиргача кўп одам сигадиган бундай катта самолётлар фақат Москва ва Минеральние водига учар эди. Энди ана шу икки маршрутга яна бир тиғиз трасса қўшилди. Тошкент авиация корхонасининг биринчи класс учувчиси К. Пак бошчилигидаги илғор экипажи биринчи рейси бажарди.

(ЎзТАГ).

ТУРЛИ ҚАСБ ЭГАЛАРИ

ИСТАГАН ШАҲРИНГИЗ БИЛАН УЛАЙДИ

ГАВҲАР АЛМЕТОВАни Келес шаҳрида кўпчилик танийди. Сабаби 37 йилдан бери бир ташкилотда, бир касбда ишлайди. Ўз касбининг устаси бўлган бу аёл кечаю-кундуз навбат билан Келес шаҳар коммутаторидаги аппаратлар қаршисида ўтириб, смена давомида юзлаб кишиларнинг ҳожатини чиқаради, узоғини яқин қилади.

— Гавҳар опа Алметова Г. Усмонова, Х. Жумаева сингари ёш телефонистларнинггина эмас, балки биз каби коммутатор хизмати ходимларининг ҳам устози ҳисобланади,— дейди коммутатор хизмати бошлиғи Антонина Калмакова.

Кейинги йилларда Тошкент райони территориясида телефон хизматини янада яхшилаш, тармоқни кенгайтириш борасида маълум ишлар қилинди. Жумладан, илгари шаҳар билан фақат бир канал орқали алоқа ўрнатилган бўлса, эндиликда коммутатор ярим автомат усулида ишлаяпти. Ҳозир район меҳнаткашлари иттифоқимиздаги истаган шаҳар билан алоқа боғлашлари мумкин. Бир вақтда уч канал орқали алоқа олиб борилмоқда. Бундан ташқари, шаҳардаги 500 хонадонга коммутатор хизмати кўрсатилаяпти. Ана шу ишларни бажаришда Гавҳар опанинг кўп йиллик тажрибаси коллектив аъзоларига қўл келяпти.

Т. ЖУРАЕВ.

Куни кеча архитекторлар союзида мўйқалам усталарининг акварель ва қаламкашлик ишлари II республика кўргазмаси очилди. Намойишга қўйилган юздан ортиқ асарда Ўзбекистон табиатининг турли кўринишлари, портретлар, натюрморт ва композициялар ўз аксини топган.

Сувбўёқда ва қаламда кўпчиликка манзур бўладиган асар яратиш рассомдан юксак профессионал маҳорат талаб қилади. Бу борада республикамизнинг кўплаб ижодкорлари самарали иш олиб бормоқдалар. Айниқса, Ж. Умарбеков, М. Содиқов, Г. Чиганов, Д. Мурсалимов, Г. Бойматов, В. Углач, И. Рубин каби санъаткорлар ишлаган бир қанча тасвирий санъат намуналари ижросининг аниқлиги, пухталиги билан ажралиб туради.

Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ж. Умарбековнинг «Иссиққўлнинг жанубий қирғоғида», «Ёввойи каптарлар водийси», «Момақалдироқ олдидан», Г. Бойматовнинг «Дўстлар», «Кичик тоғликлар», Д. Мурсалимовнинг «Эски шаҳарда», «Куз куни» каби асарлари теран мазмуни, ишланиш услубининг ўзига хослиги, чизгиларининг нозиклиги ва мукаммаллиги, бўёқларининг камалаксимон жилваси билан санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирмоқда.

Б. ТОЖИЕВ.

КЎРГАЗМАДА АКВАРЕЛЬ ИШЛАР

СТУДЕНТЛАР КОНЦЕРТИ

Дўрмондаги Ҳамза номли ёзувчиларнинг ижод уйида қаламкашлар билан бирга бир қатор касб эгалари: ишчилар, шофёрлар, бунёдкорлар, зиёлилар, тўпланишди. Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг талабалари концерт қўйиб беришди. Айниқса, пианиночи Ирина Смишляева, скрипкачи Людмила Иванова, Марина Султонова каби ёш санъаткорлар ўз маҳоратларини ёрқин намойиш этишди. Студентлар ижро этган классик ва замонавий музика яхши таассурот қолдирди.

Т. ҚОДИРОВ.

ТЕАТР БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ҳамза номидаги ўзбек драма театрининг янги постановкаси ҳайвон ва паррандаларнинг ўрмондаги ғаройиб саргузаштлари тўғрисида, яхши ва ёмон сеҳргарлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. А. Антокольскийнинг «Севишганлар қиссаси» пьесаси асосида қўйилган спектакль республиканинг кекса бадиий коллективидан мактаб каникулида болаларга совға бўлди.

Режиссёр Г. Мустафин театрда эртакни саҳнага қўйди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Э. Маликбоева, С. Норбоева, ёш актёрлар бош ролларни ижро этдилар.

(ЎзТАГ).

БУ ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

УЙ-ЖОЙЛАРНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ

Қишнинг қаттиқ келиши гражданларнинг квартираларида, шахсий турар-жойларида иситиш системаларига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Шунингдек, электр асбоб-ускуналар билан уйларни иситишга бўлган талаб ҳам ошиб кетди. Тошкент область ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими коллективи жойларда бўлиб, ёнғин хавфини туғдираётган иситиш системалари, носоз печларни текширмоқдалар. Шунга қарамай областимиз шаҳар ва районларида кўнгилсиз ҳодисалар учраб турипти.

1984 йилнинг 2 декабрь куни Чиноз районидаги Олмазор посёлкаси Советская кўчаси 13-уйда истиқомат қилувчи А. Умаровнинг уйида катта ёнғин содир бўлди. Бунга сабаб иситиш печининг носозлиги бўлди. Худди шундай воқеа Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози аъзоси Р. Ўринбоев хонадонида ҳам юз берди.

Биз кўпинча болаларга гугурт, ёки ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи асбоблар билан ўйнашга рухсат бериб, бунинг оқибатини ўйламаймиз.

Бўстонлиқ район Паргос посёлкасидаги тўрт ёшли Юсуфали Маназаров уйда ёлғиз қолдирилди. Бола гугурт ўйнаби, натижада жуда аянчли воқеа содир бўлди: уй ёниб кетиб, фарзанд ҳам нобуд бўлди.

Хоналарга бир нечта электр иситиш асбоблари қўйиш ҳам ярамайди. Электр системасида кучланишнинг ортиб кетиши сабабли ҳам ёнғин чиқиши мумкин. «Узкоопстроймонтаж» трестининг кўчма механизациялашган колоннасига қарашли вагончаларни иситиш мақсадида иситгичлар қўйилди. Бетончи Н. Савинко ана шу эҳтиётсизликнинг қурбони бўлди.

Кишилар содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликларни сезишлари, ўзлари йўл қўяётган эҳтиётсизликларга барҳам беришлари керак. Акс ҳолда биз атрофимиздаги кишилар ҳаётини ҳам хавф остига қўйишимиз мумкин. Ёнғинга қарши кураш ҳар бир кишининг гражданлик бурчидир.

В. ЛУКИН,
Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи.

АНЪАНА ЯРАТГАН ШИФОХОНА

Бундан ярим аср муқаддам бу шифохонага асос солинган эди. Ўшанда у оддий бир амбулатория сифатида иш бошлаганди. Кейинчалик касалхона аста-секин кенгайиб, терапия бўлими ва «тез ёрдам» пунктига эга бўлди. Эндиликда у катта саломатлик масканига айланган.

Дарҳақиқат, Тошкент тўқимачилик комбинати иш бошлаган ўша дастлабки йилда шифохона ҳам очилган эди. Вақт ўтиши билан унинг моддий техника базаси мустаҳкамлана борди, кабинетлар ташкил этилди, турли муолажалар йўлга қўйилди. Иглорефлекоотерапия ва шу каби бошқа замонавий даволаш методларидан кенг фойдаланила бошланди.

Бугунги кунда тўқимачилар саломатлик маскани ихтиёрида бир неча стационар бўлимлар бор. Кунига мингга яқин беморни қабул қила оладиган поликлиника ишлаб турибди. Поликлиника жойларда ўзининг уч филиали ҳамда ўнга яқин пунктига эга.

Тўқимачилар саломатлигини муҳофаза этиш йўлида бу ерда етти юздан ортиқ шифокор меҳнат қилмоқда. Улар орасида фан кандидатлари, олий ва биринчи категорияли врачлар, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ҳамда хирургик касалликлар кафедралари учун шифохона база муассасаси бўлиб қолди.

Ўз навбатида медицина-санитария қисми шифокорлари жойларда бўлиб, бой тажрибаларини кенг ёймоқдалар. Тошкент шаҳридаги қатор олий ўқув юртларига гражданлар мудофааси машғулотларини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жиззах областининг Мирзачўл райони эса шифохона оталиғига айланди.

А. АЛИЕВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ЯНВАРЬ ОЙИДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«МАРШАЛ ЖУКОВ, ТАРЖИМАИ ҲОЛИ САҲИФАЛАРИ»

ТЎЛА МЕТРАЖЛИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифлари—М. БАБАК, И. ИЦКОВ.
Режиссер—М. БАБАК.

Бу фильм Улуғ Ватан уруши йилларида совет қўмондонлигининг шонли авлоди вакили — тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков ҳақида ҳикоя қилади.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ЎЗБЕК ТИЛИГА ДУБЛЯЖ ҚИЛИНГАН

«ТУБСИЗЛИКДАН РЕПОРТАЖ»

РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИ

Сценарий муаллифи—Даль ОРЛОВ.
Режиссёр— Георгий БЗАРОВ.
Ролларни ижро этадилар: Георгий ПИЦХЕЛАУРИ, Светлана ХИЛТУҲИНА, Маҳмуд ЭСАМБАЕВ, Ато МУҲАМЕДЖАНОВ, Фарида ШАРИПОВА ва бошқалар.

Осиёдаги кичик мамлакатлардан бирининг ёш спортчиси Афсал Деман сув ости сузиши бўйича жаҳон чемпионатида олтин медаль олишга сазовор бўлади. Бахтиёр йигит она ватанига кайтиб бораётганида самолётда радиорқали ташвишли хабарни эшитиб қолади: унинг мамлакатида ҳарбий тўнтариш юз берган... Ҳозирги замоннинг ўткир сиёсий воқеаларига бағишланган бу фильм ана шундай бошланади.

ОИЛА, ИШ, ЎҚИШ... ҲАММАСИГА ВАҚТ КЕРАК

ҲАММА НАРСАГА УЛГУРИШ ЛОЗИМ.

Шунинг учун вақтдан иложи борича оқилона фойдаланиш зарур. Мисол учун турли хил тўловларни олайлик.

Ҳар ойда омонат кассалари хизматидан деярли ҳар бир оила квартира, электр, газ, телефон, болалар боғчаси ва ясли учун ҳақ тўлаш мақсадида фойдаланади.

Бунинг учун анчагина шахсий вақтни сарфлаш лозим бўлади.

Баъзан омонат кассаларида узундан-узоқ навбатда туриш керак, гоҳида эса айрим кассалар ходимларнинг касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ёпиқ бўлади. Мижозлар бундан асабийлаша бошлайдилар.

Айни вақтда бу вазиятдан чиқиш йўли бор ва бунинг учун ҳар гал шахсан омонат кассасига қатнаш шарт эмас.

Ишчилар, хизматчилар, пенсионерлар ўз пенсиялари ёки маошларидан бир қисмини омонат кассаларига ўтказишлари ва коммунал тўловлар бўйича узоқ муддатга топшириқни расмийлаштиришлари мумкин.

Коммунал ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бундай формаси айниқса, маошини омонат кассаларидан олувчилар учун қулайдир.

Бу юмушни ҳал этиш учун жамғармачи фақат омонат кассасида коммунал ва бошқа тўловлар учун унинг счётидаги маблағдан узоқ муддат давомида ёки якка тартибда ҳақ тўлаш тўғрисида топшириқ қолдириш кифоя.

Омонат кассасига нақд пул ўтказилган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги топшириқни жамғармачи шахсан бериши ёки почта орқали юбориш мумкин. Бундай топшириқни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни, бланкаларни шаҳарнинг исталган омонат кассасидан олиш мумкин.

Жамғармачи омонат кассасига таширриф буюриш билан унинг счетидан ўтказилган маблағлар омонат дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Агар сиз нақд пул ўтказилган ҳолда бажариладиган ҳисоб-китоблардан фойдалансангиз, ҳар ойда квартира, коммунал хизмат газ, электр энергияси, телефон, болаларни болалар муассасаларида сақланганлик учун ҳақ тўлаш ва бошқа хил тўловларни бажариш учун омонат кассасига қатнаш шарт бўлмайди.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИ ЖУДА ҚУЛАЙДИР!
СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 В. П. Соловьев-Седой номли эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Қўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Партия йиғилишларидан бирида», «Чақмоқ билан юзма-юз».
15.50 «Замондошлик қувончига мушарраф бўлганман...» Н. Д. Телешов.
16.40 Болалар учун фильм. «Денис Кораблёвнинг ғаройиб саргузашти». 2-серия.
17.45 «Красная гвоздика» ансамбли ижро этади.
18.00 Кремлнинг Съездлар саройида Янги йил арча байрами.
18.45 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Тез орада бўрон кўтарилади».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Дунё ва ёшлар».
20.10 «Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Куба). 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. М. Исаковский.
22.35 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас)—КАИ (Сарагоса, Испания). 2-тайм.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Воронеж». Телефильм премьераси.
9.45 «Чол ва қизча». Телевизион бадиий фильм.
10.55 «Сеҳрли доира». Фильм-концерт.
11.25—11.55 «Шахмат мактаби».
12.25 Мультфильмлар.
13.00 «Калитан Немо». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
14.05 П. Ершов. «Букри тойчоқ». РСФСР халқ артисти О. Табаков ўқийди.
15.35 «Фан ва турмуш».
16.05 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 З. Рудник куйлайди.
19.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Музикали киоск».
21.20 «Чукоткалик усталар». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Йўлдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм.
23.20 «Ёз ҳақида хотиралар». Телефильм премьераси.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қорбобо соврини учун».
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 Мультфильм.
12.30 «Тенгдошларинг ижоди».
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Навқирон тенгла». Телефильм.
18.30 «Ижод саҳифалари». Н. Сафаров.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — БАМга». 3-кўрсатув (рус.).
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси «Хайтарма» ансамблининг концерти.
21.20 «Трамплин». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ватангадолар». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шимол этюдлари». Телефильм.
19.00 Ўқув программаси.
19.35 «Чип». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 Хотин-қизлар командалари ўртасида қўл тўпи бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Текстильщик» (Тошкент) — БГИ (Минск). Репортаж (ёзиб олинган).
21.00 «Қиш ярмаркаси». Телефильм.
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 12013. А. 1618. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12